ЎЗБЕК ТИЛИ 5-синф 3-вариант

1. Сифат ясовчи қўшимчаларни ажратинг.
А) –ли, -сиз, -чан, сер-. Б) –ни, -нинг, -га, -да.
В) –дош, -кор, -паз, -бон. Г) –ла, -а, -й, -ув. Д) –ган, -ётган, -лаш.

2. Отлашган сифат қатнашган гапни аниқланг.
А) Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат.
Б) Бобом бесабр, мақтанчоқ бўлмасликни уқтиради.
В) Ақллироқлар ҳаётда нима бўлса шуни оладилар, аҳмоқлар эса ҳеч нарса ололмайдилар.
Г) Орамизда яхши одламлар ҳам бор экан.
Д) Оз-оз ўрганиб доно бўлур.

3. Шахс ёки нарсаларнинг ҳаракатини билдирган сўзлар туркуми –
А) От Б) Сифат В) Сон Г) Олмош Д) Феъл

4. Оқил ва донолар меҳнатдан қочмайдилар, илму ҳунарни ўрганадилар. **Берилган гапдаги феъллар тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.**
А) Оқил ва донолар қочмайдилар. Б) Меҳнатдан қочмайдилар.
В) Илму ҳунарни ўрганадилар. Г) Қочмайдилар, ўрганадилар.
Д) Донолар ўрганадилар.

5. Ўқувчилар дарахтларнинг ортиқча шох ва бутоқларини кесдилар.
Гапдаги феълнинг шахс-сонини аниқланг.
А) I шахс, бирлик. Б) II шахс, бирлик
В) III шахс, бирлик Г) I шахс, кўплик
Д) III шахс, кўплик.

6. Феълнинг ноаниқ шакли -
А) Замонни, шахс-сонни кўрсатмайди. Б) Замон, шахс-сонни билдиради.
В) Фақат шахс-сонни кўрсатади. В) Фақат замони ифодаланади.
Д) Тусланади.

7. Феъл сўз туркумига оид сўзлар қаторини белгиланг.
А) Она, билим, олмоқ. Б) Кейин, ишламоқ, тез.
В) Ўқимоқ, ёзмоқ, ўрганмоқ. Г) Билмоқ, сезмоқ, уйқу.
Д) Сўнгра, чизмоқ, яхшиламоқ.

8. Феълнинг шахс-сонини аниқланг. ***Бу ёнаётган тошларни қаердан топдингиз?***
А) I шахс, бирлик. Б) II шахс, бирлик
В) III шахс, бирлик Г) II шахс, кўплик
Д) III шахс, кўплик.

9 Бўлишсиз феъл қатнашган гапни аниқланг.
А) Халқ пуфласа бўрон бўлади. Б) Тилни ақлдан устун кетишига йўл қўйма.
В) Тер тўкиб меҳнат қилсанг, обрў кўрасан. Г) Баҳор келди, анҳорлар тўлиб сувлар оқа бошлади.
Д) Саломатлик – бебаҳо бойлик.

10. Ўтган замон феълини ясовчи қўшимчаларни белгиланг.
А) -ди, -и(б), -ган(-кан, -қан). Б) –ган, -ётган, -лади.
В) –моқ, -моқчи, - ла. В) – яп, -ётир, -ди.
Г) –моқ, –ган, -ди.

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 10

баллари	баҳо
0-3	**«2»**
4-5	**«3»**
6-7	**«4»**
8-10	**«5»**